



Муборак рамазон ойида Америкада Куръони Карим мусобакаси ўтказилади

Америка мусулмонлари жорий йилнинг 14 август муборак рамазон ойининг ўн тўртинчи кунда «Напервилл (ICN)» Ислон марказида Куръонни хифз этиш мусобакасида беллашишади.

«Islamic Center of Naperville» ахборот сайти хабар беришича, бу мусобака Напервилл Ислон маркази масъулларининг ташаббуси билан Американинг Иллинойс штатидаги Напервилл шаҳрида жойлашган мазкур марказ биносида бўлиб ўтади. Ушбу мусобакани ўтказишдан мақсад мусулмонларни Куръони Каримни тажвид қоидаларига асосан хифз ва тиловат этишга тарғиб этиш эканлиги эълон қилинган.

Мусобака иштирокчилари тўртта гуруҳда: 22 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар Қаҳф сурасини хифз этиш, 18 ёшдан 22 ёшгача бўлганлар Ёсин сурасини хифз этиш, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар Ар-Раҳмон сурасини хифз этиш ва 10 ёшдан 14 шгача бўлган болалар Мулк сурасини хифз этиш йўналишларида мусобакалашадилар.

Мусобака якунига етгач, голибларга соврин ва мукофотлар тақдим этилади. (ИКНА)